

## Оилага нафақа қилишлик ҳақида

Шайх Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин

Риёзус Солиҳийн Шарҳи, 36-боб

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Аллоҳнинг Ўзигагина ҳамдлар, Унинг пайғамбари Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, у зотнинг оиласи ва саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Аллоҳ таоло деди:

لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُتِمَّ الرَّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ ﴿٣٣﴾

«Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир» (Бақара: 233). Аллоҳ таоло деди:

لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ ۗ وَمَنْ قُدِرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ فَلْيُنْفِقْ مِمَّا آتَاهُ اللَّهُ لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا مَا

آتَاهَا ﴿٣٤﴾

«Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни бойлигига ярашадиган) нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у ҳолда Аллоҳ ўзига ато этган нарсдан (яъни ўз ҳолига яраша) нафақа берсин! Аллоҳ ҳеч бир жонни Ўзи унга ато этган (ризқ-рўз)дан бошқа нарсага таклиф қилмас (яъни ҳар бир инсон фақат Аллоҳ ўзига ато этган ризқдан инфоқ қилишга таклиф қилинур)» (Талоқ: 7). Аллоҳ таоло деди:

قُلْ إِنْ رَبِّي يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ ۖ وَيَقْدِرُ لَهُ ۖ وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يُخْلِفُهُ ۗ

وَهُوَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ ﴿٣٥﴾

«Айтинг: «Албатта Роббим бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. Не бир нарсани инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур. У ризқ бергувчиларнинг яхшироғидир» (Сабаъ: 39).

### Шарҳ

Муаллиф раҳимахуллоҳ: «Оилага нафақа қилишлик ҳақидаги боб», дедилар.

Оила – аёл, қариндош ва қулдан иборат инсон ғамхўрлик қиладиганлардир. Дарҳақиқат, юқорида аёлнинг ҳақлари ўтди. Қариндошларга келсак, бас, улар ўз ҳақларига эга. Аллоҳ таоло деди:

﴿ وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا ۗ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ  
وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَا  
يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُحْتَالًا فَخُورًا ﴾

«Аллоҳга бандалик қилинглр ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглр! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғларингизга яхшилик қилинглз!» (Нисо: 36).

Қариндош, унга нафақа қилинишда ўз ҳаққига эга. Яъни, унга таом, ичимлик, кийим ва ўзи-га етарли даражада бошпанадан иборатларни сарф этишингиз. Аллоҳ таоло айтганидек:

﴿ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُتِمَّ الرَّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ ﴾

«Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир» (Бақара: 233). Отага ўз фарзандлари, аёллари ва боласини эмизаётган аёлга нафақа қилишлиги вожиб бўлади. Гарчи у (боласини эмизаётган аёл) унинг қарамоғида бўлмаса ҳам. Чунки У Зот шундай деди:

﴿ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُتِمَّ الرَّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ ﴾

«Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир» (Бақара: 233). Эмизишлик сабабли. Агар у (эмизаётган аёл) ўз қарамоғида бўлса, бас, у аёллик жиҳатидан ўз нафақасига эга.

Аллоҳ таолонинг: «Отанинг зиммасидадир», қавли бобо ва ундан юқориси каби қуйи ва юқори отани ўз ичига олади. Демак, унга (отага) фарзандларининг фарзандларига нафақа қилиши вожиб бўлади, ҳар қанча қуйи бўлсалар ҳам. Бироқ бунинг учун бир қанча шартлар шарт қилинади:

**Биринчи шарт:** Нафақа ажратувчи нафақага қодир бўлиши. Агар ожиз бўлса, батаҳқиқ, унга нафақа қилиши вожиб бўлмайди. Аллоҳ таолонинг ушбу қавлига биноан:

﴿ لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ ۗ وَمَن قُدِرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ فَلْيُنْفِقْ مِمَّا آتَاهُ اللَّهُ لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا مَا

﴿ آتَاهَا ۗ ﴾

«Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни бойлигига ярашадиган) нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у ҳолда Аллоҳ ўзига ато этган нарсдан (яъни ўз ҳолига яраша) нафақа берсин! Аллоҳ ҳеч бир жонни ўзи унга ато этган (ризқ-рўз)дан бошқа нарсага таклиф қилмас (яъни ҳар бир инсон фақат Аллоҳ ўзига ато этган ризқдан инфоқ қилишга таклиф қилинур)» (Талоқ: 7).

**Иккинчи шарт:** Унга инфоқ қилинаётган киши ўзини таъминлашдан ожиз бўлиши. Агар ўзини таъминлашга қодир бўлса, ўзи(ни таъминлаши) авлодир. Ва бирор кишига унга нафақа қилиши вожиб бўлмайди. Чунки у беҳожатдир. Агар беҳожат бўлса, батаҳқиқ, унга нафақа қилинишга ҳақли бўлмайди.

**Учинчи шарт:** Нафақа қилувчи нафақа қилинаётганга ворис бўлиши. Аллоҳ таолонинг ушбу қавлига биноан:

وَعَلَى الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ

«Меросхўр — ворис зиммасида ҳам худди шундай (бурч) бор» (Бақара: 233). Агар меросхўр бўлмайдиган қариндош бўлса, бас, унга нафақа қилиш вожиб бўлмайди.

Ушбу уч шарт тўла бўлса, батаҳқиқ, қариндош ўз қариндошига таом, ичимлик, либос, бошпана ва никоҳдан иборат муҳтож бўлганларини нафақа қилиши вожиб бўлади. Агар айримлари қолиб, айрим нарсаларга қодир бўлса, меросхўр қариндошга ноқис бўлганни комил қилишлиги вожиб бўлади. Аллоҳ таолонинг ушбу қавли умум (далолат)ига кўра:

وَعَلَى الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ

«Меросхўр — ворис зиммасида ҳам худди шундай (бурч) бор» (Бақара: 233).

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммадга, у кишининг аҳли-оила ва саҳобаларига саловату саломлар йўлласин.

Манба: [Тавҳид форуми](#)